

**“Стандартлаштириш бўйича меъёрий хужжатларни давлат рўйхатига олишни амалга ошириш бўйича ахборот тақдим этиш”**  
**ДАВЛАТ ХИЗМАТИ РЕГЛАМЕНТИ**

**1. Хизмат (паспорти) тавсифи**

**1.1. Хизмат номланиши**

*Стандартлаштириш бўйича меъёрий хужжатларни давлат рўйхатига олишни амалга ошириш бўйича ахборот тақдим этиш.*

**1.2. Хизмат натижаси**

*Хизмат натижаси бўлиб стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар тоифаларини тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини мувофиқлаштирувчи норматив ҳужжатлар бўйича ахборот тақдим этиши ҳисобланади*

**1.3. Хизмат кўрсатиш идоралари ва бланк олиш жойлари**

*Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги – “Ўзстандарт” Агентлиги*

**1.4. Хуқуқий асослар**

- Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида"ги, "Техник жиҳатдан тартибга солиши тўғрисида"ги қонунлари
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сонли "Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини тақомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиши тўғрисида" қарори
- "Ўзстандарт" агентлигида стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар тоифаларини тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида". (Адлия вазирлигининг қайд рақами 11.11.2004 й. № 1422))

**1.5. Хизматни олувчилар**

*Юридик ва жисмоний шахслар.*

**1.6. Ижро муддатлари:**

*Бир зумда.*

**2. Хизмат олувчиларга маълумот етказиш**

**2.1. Умумий маълумотларнинг таркиби ва ҳажми**

*Фойдаланувчилар “Ўзстандарт” Агентлиги расмий веб-сайти [www.standart.uz](http://www.standart.uz) орқали хизмат тўғрисида тўлиқ маълумот олишлари мумкин*

**2.2. Кенг маълумот бериш**

*“Ўзстандарт” Агентлиги расмий веб-сайти [www.standart.uz](http://www.standart.uz) орқали хизмат тўғрисида кенг маълумот берилади.*

## 2.3. Сўров бўйича маълумот бериш

Ушбу хизмат кўрсатилиши учун сўров бўйича маълумот бериш кўзда тутилган

## 2.4. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида маълумот бериш

Хизмат “Ўзстандарт” Агентлиги расмий веб-сайти [www.standart.uz](http://www.standart.uz) орқали кўрсатилади.

## 2.5. Фойдаланиладиган ҳужжат бланкалари (шакллари)

Ушбу хизмат учун ҳужжат бланкалари (шакллари)дан фойдаланиш кўзда тутилмаган

## 3. Хизмат кўрсатиш

### 3.1. Иш вақти

Хизмат 24 саом мобайнида кўрсатилади

### 3.2. Кутишга талаблар

Ушбу хизмат учун кутиш ёки кутиш учун талаблар кўзда тутилмаган

## 4. Хизмат кўрсатиш тартиби

### 4.1. Керакли ҳужжатлар

Ушбу хизмат кўрсатилиши учун ҳужжатлар талаб этилмайди

### 4.2. Хизмат тўлови

Бепул

### 4.3. Давлат хизматининг бажарилиш босқичлари

#### 4.3.1.

1. Интернет тармоғига улуниш;

2. “Ўзстандарт” агентлигининг расмий веб-сайти [www.standart.uz](http://www.standart.uz) га ташриф буюриш, “Хизматлар” бўлимига сўнгра “Давлат хизматлари” бўлимига кириш;

3. Керакли хизматни танлаш.

### 4.4. Давлат хизматининг идоравий ички тартиби

Маъсул ҳодим ўрнатилган тартибда ҳар ойнинг 5 санасига қадар сайтда янгилаб боради

### 4.5. Рад этишга асос

Ушбу хизмат кўрсатилишига рад этишга асос кўзда тутилмаган

## 5. Сифатни таъминлаш

### 5.1. Сифатсиз кўрсатилган хизмат устидан шикоят

Фойдаланувчи сифатсиз кўрсатилган хизмат юзасидан ўрнатилган тартибда “Ўзстандарт” Агентлиги [uzst@standart.uz](mailto:uzst@standart.uz) электронон почта манзили орқали ёки ёзма равишда 00049, Тошкент ш., Форобий кўчаси, 333 «А» манзилига мурожаат қилишлари мумкин.